Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

● 2014-yil, 14-yanvar. Seshanba ● 6 (31.753) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, қадрли юртдошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ва қутлуғ воқеа — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 22 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда замонавий қурол-яроғ ва техника билан ҳар томонлама яхши таъминланган, ҳаракатчан, юксак талаб ва стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армияни шакллантириш бўйича қўлами ва миқёсига кўра улкан ишлар тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга оширилди.

Бу борада ташкилий-штат тузилмаларини бутунлай қайта кўриб чиқишга, шунингдек, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучларни тезкор-стратегик бошқаришнинг замонавий ва самарали тизимини яратишга, қўшин турларининг ўзаро келишиб ҳаракат қилишини такомиллаштиришга, уларни замонавий техника ва қурол-яроғлар билан таъминлашга, жанговар ва ўқув тайёргарликнинг маъно-мазмунини ўзгартиришга, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақадаги тез ўзгариб бораётган ва мураккаб ҳарбий-сиёсий аҳвол ва вазиятнинг янада кескинлашиш эҳтимолини инобатга олиб, Қуролли Кучларимиз таркибидаги қисм ва бўлинмаларнинг жанговар имкониятлари ва куч-қудрати, ҳаракатчанлиги ва уларни бошқариш самарадорлиги сезиларли равишда оширилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда дунёда ва ён-атрофимизда юз бераётган можаро ва тўқнашувлар, радикализмнинг кучайиши, Афғонистондаги урушнинг ҳамон давом этаётгани ва бу муаммони ҳал этиш борасида мавҳумлик сақланиб қолаётгани, терроризм ва диний экстремизмнинг фаоллашаётгани, тажовузкор наркотрафикнинг кенг тус олаётгани, чегараларимизга бевосита яқин ҳудудларда хавф-хатар кучайиб бораётгани — буларнинг барчаси бизда чуқур ташвиш ва хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.

АЙСАФ деб аталмиш тинчликпарвар кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар учун жиддий синовга айланиши, бизнинг жанубий сарҳадларимизда ва чегарадош ҳудудларда кескинликнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин.

Бундай мураккаб ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган жараёнларнинг барчаси бугунги кунда ҳаммамиздан юксак даражадаги ҳушёрлик ва огоҳликни, чегараларимизда кескинликни келтириб чиқаришга қаратилган уринишларга йўл қўймаслик бўйича қатъий чораларни кўришни, мамлакатимизга қарши қаратилган ҳар қандай тажовузкор хуружларга Қуролли Кучларимизнинг ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилиятини таъминлашга доимо тайёр туришимизни талаб этмоқда.

Шу муносабат билан юзага келаётган мураккаб вазиятда армиямизни ислоҳ этишни ва унинг мудофаа қудратини, жанговар салоҳиятини, мамлакатимиз суверенитетини ҳимоя қилиш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимизнинг тинч ҳаётини кўз қорачиғидек асраш бўйича тайёргарлигини янада мустаҳкамлашни давом эттириш зарур, деб ҳисоблайман.

Чегарадош ҳудудларда ва бутун минтақадаги тез ўзгариб бораётган аҳволни аниқ мақсад асосида тизимли равишда чуқур таҳлил ва прогноз қилиб бориш, сарҳадларимиздаги вазиятни жиддий тарзда мураккаблаштириши мумкин бўлган террорист ва экстремист кучлар хатти-ҳаракатларининг фаоллашув эҳтимоли билан боғлиқ бўлган хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлашни таъминлаш Қуролли Кучлар, Мудофаа вазирлиги, Бош штаб ва ҳарбий округлар штабларининг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Ана шу асосда мамлакатимизнинг мудофаа соҳасидаги қурилиш тизимини такомиллаштириш жараёнини, ҳарбий операциялар амалга ошириладиган ҳар қайси йўналишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда давом эттириш ғоят муҳимдир. Мамлакатимиз хавфсизлигига нисбатан, биринчи навбатда, чегара ҳудудларида вужудга келадиган хатарларнинг олдини олиш бўйича, ҳарбий округлар ва чегара қўшинлари бўлинмалари томонидан биргаликда олиб бориладиган ўзаро мувофиқлаштирилган жанговар операцияларни ўтказиш учун, доимий тайёргарликни таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш даркор. Бундай шароитда Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш учун жалб этиладиган бўлинмаларнинг бир-бирининг ўрнини босишга ҳар томонлама қодир бўлиши ва юксак даражада келишиб ҳаракат қилиши, шунингдек, уларнинг биргаликдаги жанговар тайёргарлиги ҳал қилувчи роль ўйнаши зарур.

Бу борада Қуролли Кучлар ва ҳарбий округлар қўмондонлиги томонидан қўшинларнинг амалдаги ўқув ва жанговар тайёргарлик тизимининг танқидий баҳоланиши ўта муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тизим яқин ва ўрта муддатта мўлжалланган истиқболда минтақада юзага келадиган реал ҳарбий-сиёсий вазият талабларига тўла жавоб бериши керак.

Шу муносабат билан хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибани атрофлича ўрганиш асосида чегара қўшинлари ва Мудофаа вазирлиги қисмларининг, вертолёт-ҳужум ва махсус операцияларни амалга оширадиган бўлинмаларнинг, биргаликдаги ҳаракатларга жалб этиладиган бошқа қўшин турларининг ўзаро ҳамкорлиги бўйича, турли модель ва вариантларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Қисм ва бўлинмаларни мазкур тузилмаларнинг жанговар қобилиятини сезиларли равишда ошириш имконини берадиган, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника турлари билан таъминлаш бўйича қабул қилинган режа ва дастурларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш асосий вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Жанговар тайёргарликни сақлаш учун, шунингдек, янги қурол-яроғ ва ҳарбий техника намуналарини ишлаб чиқарадиган ва уларни модернизация қиладиган қўшма корхоналарни ташкил этиш учун мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш ва таъмирлаш базасини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозим.

Жанговар взвод ва гуруҳларни ҳар томонлама пухта тайёрлаш борасидаги ишларни, ушбу бўлинмалар командирларига ва бутун шахсий таркибнинг профессионал тайёргарлигига бўлган талабнинг тобора ортиб бораётганини назарда тутган ҳолда такомиллаштириш зарур.

Взвод ва гуруҳларни тайёрлашда командирлар таркибида мавжуд аҳволни ҳар томонлама баҳолаш ва таҳлил этиш, ностандарт қарорлар қабул қилиш, мустақил жанговар вазифаларни бажариш вақтида бўлинмаларни моҳирлик билан бошқариш бўйича қатъий малакани шакллантиришга, мутахассисларнинг бир-бирининг ўрнини боса олиши ва бўлинмаларнинг юксак даражада уйғун ҳаракат олиб боришини таъминлаш мақсадида, шахсий таркибнинг ўзаро яқин мутахассислик турларини, янги техника ва қурол-яроғларни эгаллашига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу муносабат билан кенг билим ва тафаккурга, юксак профессионал ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, шиддатли тарзда амалга ошириладиган замонавий жанговар ҳаракатлар шароитида, ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этишга қодир бўлган ҳарбий кадрларни самарали тайёрлаш масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Сержантлар корпусини тайёрлашни мустаҳкамлаш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш ғоят муҳим вазифаларимиз қаторига киради.

Сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолиятини янги, замонавий талабларга мувофиқ ҳолда ҳар томонлама янгилашни назарда тутадиган, кичик командирларни тайёрлашнинг кўп бўғинли ягона тизимини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Профессионал жиҳатдан пухта тайёрланган сержантлар таркиби сўзда эмас, амалда армиямизнинг таянчи ва ўзагига айланиши зарур. Чунки ҳар қайси ҳарбий жамоадаги ахлоқий-руҳий ва маънавий муҳит кўп жиҳатдан айнан уларга боғлиқдир.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш, уларни ҳар томонлама қулай уй-жойлар, замонавий социал-маиший шарт-шароитлар, сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурларини тўлиқ рўёбга чиқариш ва ана шу мақсадлар учун ажратиладиган бюджет маблағларини янада кўпайтириш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолиши даркор.

Қадрли дўстлар!

Армиямизнинг бўлғуси аскар ва офицерларини чақириққача бўлган даврда тайёрлашнинг ўрни ва аҳамиятини, уларнинг мазкур машаққатли касбни танлашга онгли ёндашиши нақадар муҳим эканини бугун алоҳида таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, албатта.

Шу муносабат билан таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда аҳолининг кенг қатламлари, жумладан, ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучларимиз фахрийларини жалб этган ҳолда, ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни фаоллаштириш, бўлғуси аскарларнинг онгу тафаккурини, юртимиз тарихига оид билимларини ошириш, жисмоний чиниқтириш талаб этилади. Ҳарбий хизмат, ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва армиямизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан мамлакатимиз фуқароларини хабардор этишда оммавий ахборот воситалари ва Интернетнинг миллий тармоғи имкониятларидан фаол фойдаланиш зарур. Бу борада расмиятчилик ва юзаки ёндашувларга йўл қўймаслик, ёшларимиз қалбида Ватанимизга чуқур меҳр-муҳаббат, унинг Қуролли Кучлари билан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга ҳурмат туйғусини тарбиялаш лозим.

Бундай долзарб ва узоқ муддатта мўлжалланган вазифаларни амалга оширишда Мудофаа вазирлиги қошида ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши, кенг жамоатчилик вакиллари, маданият, санъат ва спорт намояндалари алоҳида роль ўйнаши керак.

Ҳурматли ватандошлар!

Барчамиз учун алоҳида қадрли бўлган мана шу қутлуғ айёмда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллигини байрам қилар эканмиз, ҳаммангизни, бутун халқимизни Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, барча ҳарбий хизматчилар — аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга, бугунги кунда миллий армиямиз сафларида мураккаб жанговар хизматни адо этаётган, ўзининг шарафли ва масъулиятли ҳарбий бурчини бажаришда жонбозлик кўрсатаётган барча юртдошларимизга самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳаммангизга мустаҳкам соғлиқ, катта ютуқлар, Ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш йўлида куч-ғайрат тилайман.

Янги — 2014 йилда сизларга, оилаларингизга тинчлик-омонлик, бахт ва омад, қут-барака доимо ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

---

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Бугунги кунда ёшлар орасида ҳарбий хизматга бўлган иштиёқ ва ҳурмат кундан кун ошиб бораяпти.

Мустақил ватанимизнинг ишончли ҳимоячилари

«Туркистон» саройида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди

Миллий армиямиз юртимизда қарор топган тинч-осойишта ҳаёт, мамлакатимиз хавфсизлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқонидир. Шунинг учун ҳам халқимиз Ватан ҳимоячилари кунини миллий байрам сифатида кенг нишонлайди. Ҳарбий хизматчиларни осуда ва обод ҳаётимиз қўриқчилари сифатида эъзозлайди.

13 январь. «Туркистон» саройи байрамона безатилган. Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, аскар ва сержантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари ташриф буюрган.

Байрам тадбирини Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди.

Давоми 2-бетда.

Юртнинг содиқ фарзандлари

Қодиржон Отахонов ёшлигидан ҳарбий бўлишни, Ватанни ҳимоя қиладиган, тинчлик ва осойишталигимизни асрайдиган аскар бўлишни орзу қиларди. Ниҳоят, ниятига эришди. Айни пайтда у Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги ҳарбий қисмда йигитлик бурчини адо этаяпти.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши ҳамкорлигида мазкур ҳарбий қисмда ўтказилган маданий-маърифий тадбир Қодиржон ва унинг сафдошларида катта таассурот қолдирди. Ватан ҳимояси, миллий армиямизнинг ташкил топиш тарихи, ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамланиши билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар аскарлар кучига куч берди, шаҳдига шаҳд қўшди.

Давоми 2-бетда.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Миллий армия — хавфсизлик кафолати

Қашқадарё вилоят Шошилинч тез тиббий ёрдам марказида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят партия ташкилоти масъул ходимлари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, Қарши ҳарбий госпитали шифокорлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидландики, истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб юртимизда замон талабларига жавоб берадиган, энг илғор қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техникага эга бўлган миллий армияни шакллантиришга катта эътибор қаратилди. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини ишончли ҳимоя қилишга, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига қаратилган ҳар қандай тажовуз ҳамда ғаразли уринишларнинг олдини олишга қодир бўлган Қуролли Кучлар шакллантирилди.

Иштирокчилар Ватанимиз дахлсизлигини ҳимоя қилаётган ҳарбийларнинг ўз бурч ва мажбуриятларини сидқидилдан бажариши, бекаму-кўст ҳаёт кечириши учун зарур имкониятлар яратилаётгани, хусусан, ижтимоий ҳимояни кучайтириш мақсадида ҳарбийлар учун кўплаб уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани юксак эътиборнинг тасдиғи эканини таъкидлашди.

Зулфиқор УСМОНОВ,
ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ходими.

Ватан ҳимояси — олий шараф!

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Бугунги кунда ёшлар орасида ҳарбий хизматга бўлган иштиёқ ва ҳурмат кундан кун ошиб бораяпти.

Мустақил ватанимизнинг ишончли ҳимоячилари

«Туркистон» саройида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди

Президентимиз Ислом Каримовнинг фармони билан 1991 йил 6 сентябрда Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. Давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган қарорига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказилди. Ўша кундан эътиборан миллий армиямизга асос солинди.

Ана шу тарихий кун — 14 январь мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Ўтган вақт мобайнида Қуролли Кучларимиз ташкилий ва таркибий жиҳатдан янада такомиллашди. Тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, жанговар қобилияти, ҳарбийларнинг жисмоний ва маънавий-маърифий тайёргарлиги ошди. Қисм ва бўлинмалар замонавий қурол-яроғ ва жанговар техника билан таъминланди.

Миллий армиямизни профессионал кадрлар билан тўлдириш, ҳарбий хизматчиларнинг тайёргарлигини, билим ва кўникмаларини янада юксалтириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Ҳарбий ўқув ҳамда машғулотлар илм-фан ва техниканинг илғор ютуқлари асосида ўтказилмоқда. Олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳар қандай хавф-хатарни чуқур таҳлил этишга қодир, тезкор қарорлар қабул қила оладиган, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга офицер кадрлар тайёрланмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, шартнома асосида хизмат қилувчилар сафининг кенгаяётгани, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг жорий этилгани натижасида армиямизнинг қиёфаси, ҳарбий жамоалардаги маънавий муҳит тубдан ўзгарди. Ҳарбий хизмат ёшларда мустаҳкам ирода ва характерни шакллантирадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ўзига хос мактабга айланди.

Сарвар ЎРМОНОВ, Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Бунинг натижасида ёшлар орасида ҳарбий хизматга қизиқиш ва интилиш тобора кучайиб бораётир. Йигитлар бундай шарафга лойиқ бўлиш учун ҳар томонлама тайёргарлик кўрмоқда. Болалигидан спорт билан шуғулланиб, фанларни чуқур ўрганиб, жисмонан ва ақлан баркамол бўлиб вояга етмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида қабул қилинаётгани армия сафларини жисмоний тайёргарлиги ва интеллектуал салоҳияти юқори йигитлар билан тўлдиришда муҳим омил бўлмоқда. Бунинг самарасида аскарлар жанговар тайёргарлик дастурларини, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланишни пухта ўзлаштирмоқда.

Ватан ҳимоячиларининг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, резервга бўшатилган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳам доимий эътиборда. Хусусан, Янги — 2014 йил байрами арафасида ҳам юртимизнинг кўплаб ҳудудларида ҳарбийлар учун янги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Минглаб ҳарбийларимиз байрамни оиласи билан янги уйда кутиб олди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқаролар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдорида имтиёзли баллга эга бўлмоқда. Бу уларнинг олий ўқув юртларига ўқишга кириб, касб-ҳунар эгаллаши, ҳаётда ўз ўрнини топишида катта имконият яратмоқда.

Бу йил Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда «Ўзбекистон — ягона Ватаним!» шиори остида нишонланмоқда. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ушбу мавзуда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, барча вилоятларда, олис қишлоқ ва маҳаллаларда кўплаб учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда халқимизнинг юртимиздаги тинчлик-осойишталикни қадрлаши, бу азиз неъматни асраб-авайлашга барча ўзини бирдек дахлдор сезиши — Ўзбекистон ягона Ватан, бир тану бир жон экани намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 10 январдаги фармонига мувофиқ, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

— Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик халқимизнинг энг катта бойлигидир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи, II даражали «Шон-шараф» ордени соҳиби, подполковник Отабек Камолов. — Мен ана шу бойликни асраб-авайлаш, мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ишига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Президентимиз фармонига мувофиқ, шундай тантанали шароитда Ватанимизнинг юксак орденини кўксимга тақиш менга янада ғурур-ифтихор бағишлайди. Бундай ишончни оқлаш, халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги, фарзандларимиз келажагини ҳимоя қилиш учун бор кучимни сарфлайман.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида анъанага айланган танловга асосан энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси, сержантлар тайёрлаш мактаби, мудофаа ишлари бошқармаси аниқланди. Тадбирда ана шу танлов ғолибларига диплом ва совғалар топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Шуҳрат» медали соҳиби, капитан Аброрбек Ибрагимов, «Жасорат» медали соҳиби, кичик сержант Нозимжон Иброҳимов, аскар онаси Муяссар Воҳидова, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқалар байрам қатнашчиларини Ватан ҳимоячилари куни билан табриклаб, Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовга ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Тантанали маросим катта байрам концерти билан якунланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири.

Давоми. Боши 1-бетда.

Мустақиллик — буюк неъмат. Уни асраш, ҳимоя қилиш эса, шарафли вазифа ва шу билан бирга улкан масъулият. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, зудлик билан ҳал этилиши зарур бўлган муҳим вазифалардан бири — миллий армияни шакллантириш эди.

Ўз мустақиллиги ва тинчлигини асрай олган давлат

изчил тараққий этади, фуқаролари ҳаёти фаровонлигини таъминлайди

Бош Қомусимизда мамлакатимиз Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун ташкил этилиши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи экани қайд этилган. Шундан келиб чиқиб, ўтган давр мобайнида профессионал армияни шакллантиришга алоҳида эътибор берилиб, тизимнинг қонуний асослари янада мустаҳкамланди.

Хусусан, «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, осойишталигимизни асраш, ҳаётимизнинг барча соҳаларида барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ватан ҳимояси, Қуролли Кучларга оид қонунлар мунтазам ва изчил такомиллашиб бораяпти. Жумладан, юқоридаги қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳарбий хизматнинг нуфузини оширмоқда, шунингдек, армиямизни ҳар жиҳатдан кучайтиришга, ҳарбий хизматчилар манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Масалан, қонунларга киритилган ўзгартишларга асосан, муддатли ҳарбий хизмат 12 ойгача қисқартирилди. 2009 йилдан буён бир йиллик муддатли ҳарбий хизматга чақирув танлов асосида амалга оширилаяпти.

> **Мамлакатимизда ҳарбий соҳа ходимлари ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшларга бир қатор имтиёзлар яратилиб, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.**

Ҳар жиҳатдан таъминланган, пухта тайёргарликка эга ҳарбий хизматчилар Қуролли Кучларимиз қудратини оширишга, осойишта ҳаётимиз хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлади. Шунинг учун бугун миллий армия сафида хизмат қилаётган аскарлар ҳарбий соҳадаги билим ва кўникмаларни пухта ўзлаштиришлари учун етарли шароит яратилди. Мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари учун замонавий бинолар бунёд этилиб, улар бугунги кун талаблари асосида жиҳозланди. Бу эса ҳарбий хизматга чақирилувчиларни сифатли тиббий кўрик ва синовлардан ўтказиш, Қуролли Кучларимиз сафларини яхши тайёрланган, бақувват ва мард йигитлар билан тўлдириш ишларини самарали олиб боришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда ҳарбий соҳа ходимлари ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшларга бир қатор имтиёзлар яратилиб, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича республиканинг олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл олиш имтиёзига эга бўлди. Ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномалари берилган санадан бошлаб 3 йил мобайнида амал қилади.

Бу эса ҳарбий хизматда чиниққан, катта ҳаёт мактабини ўтаб тобланган, хизмат чоғида ҳар томонлама ўзини кўрсатиб, ҳарбий қисм раҳбариятининг эътиборига сазовор бўлган йигитларнинг кейинчалик олий таълим олишларига қўшимча имкониятлар яратади.

Бугунги кунда халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш, замонавий миллий армиямизни шакллантириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ва уларнинг юксак самарасини халқимизга етказиш, миллий армиямизнинг салоҳияти ва қудратини кенг тарғиб этиш ҳамда ҳарбий хизматни ўтаётган ва чақирилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу ўз навбатида, ҳарбийларнинг касбга бўлган муҳаббатини оширади, элюртга садоқатини юксалтиришга хизмат қилади. Шу боис 2012 йилда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилди. Кенгаш томонидан ёш ҳарбий хизматчилар, офицерлар, аҳоли ўртасида кенг кўламли маънавий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда.

Ватан ҳимояси нафақат ҳарбий соҳа ходимлари куч-қудрати, салоҳиятига, балки ҳар бир фуқаронинг масъулиятига, Она юртга муҳаббати ва эътиқодига боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим. Ватан тақдирига дахлдорлик билан яшасак, ёшларни ана шу руҳда тарбиялашга интилсак, юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигига хизмат қилган бўламиз.

Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Юртнинг содиқ фарзандлари

Тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, санъат, маданият намояндалари ҳамда офицер ва аскарлар иштирок этди.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Қуролли Кучларимиз халқимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқонидир. Буни ушбу ҳарбий қисм мисолида ҳам кўриб турибмиз. Ҳозирда миллий армиямиз сафларида жисмонан соғлом, маънан етук, юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган фарзандларимиз хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ёшлар орасида ҳарбий хизматга бўлган қизиқиш, ҳурмат, иштиёқ ҳам кундан кун ошиб бораяпти.

Давоми. Боши 1-бетда.

Давлатимиз томонидан ҳарбийларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, маиший шароитларини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки оиласи тинч, фарзандларидан кўнгли хотиржам инсонгина бор куч ва эътиборини Ватан ҳимоясига қаратади.

Маҳмуд ТОИРОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири:

— Биз қўлга киритаётган тарихий ютуқ ва марралар, халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошиши, мамлакатимиз дунё саҳнида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллашида миллий армиямизнинг ўрни беқиёс. Зеро, Қуролли Кучларимиз давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаб турган экан, одамлар хотиржам меҳнат қилади, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти тобора ортиб бораверади.

Халқ вакили, бир ижодкор сифатида кўплаб учрашув ва тадбирларда қатнашамиз. Одамларимизнинг юз-кўзидан бугунги кунидан розилик, энг асосийси, тинчлигимизга шукроналикни уқиш мумкин. Шунинг учун ҳар бир инсон астойдил меҳнат, эркин ижод қилиб, ҳаётимиз фаровонлигига ҳисса қўшишга интилаяпти.

Сайдивали АҲМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси:

— Ҳар қайси тизим ривожланишида унинг ҳуқуқий асоси муҳим ўрин тутади. Шу боис истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб миллий армиямизнинг қонуний асосларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Собиқ тузумдан қолган турли қарашлар, сохта анъаналарга барҳам берилди. Қуролли Кучларимизда чуқур ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар босқичма-босқич давом эттириб келинмоқда. 2002 йилда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни янги таҳрирда қабул қилиниб, янги ҳарбий хизмат турлари ташкил этилди. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида миллий армиямиз ҳар томонлама мукаммал, замонавий, ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларга айланди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ҳарбий кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилиб, кўплаб билим юртлари, олий ўқув юртларида махсус факультетлар ташкил этилди. Уларда миллий армиямизнинг қудратига қудрат қўшаётган етук кадрлар, ҳарб илмининг сир-асрорларини чуқур эгаллаган мутахассислар тайёрланмоқда.

Дилором СОДИҚОВА:

— Мен энг бахтиёр оналардан бириман. Чунки фарзандим Аҳаджон Содиқов ўз йигитлик бурчини содиқлик билан бажариб келмоқда. Худога шукр, эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлаяпти. Ўғлимнинг келажакдаги орзулари юксак. Унинг мақсадларига етишида, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишида армия тарбияси муҳим ўрин тутади, деб ўйлайман.

Нурмуҳаммад САЛИМОВ,
оддий аскар:

— Мен Сурхондарё вилояти, Узун туманидан ҳарбий хизматга чақирилганман. Мана, қарийб бир йилдан бери ҳарбий хизмат сир-асрорларини ўрганаяпман, жисмонан чиниқиб, интеллектуал салоҳиятимни ошираяпман. Ҳарбий хизмат ҳаётимда катта аҳамиятга эга бўлаяпти. Мен ёшлигимдан журналист бўлишни орзу қилардим. Ҳарбий қисм тавсияномасига эга бўлиб, журналистлар тайёрлайдиган олий ўқув юртига ҳужжатларимни топширмоқчиман. Келгусида бор имконият ва билимларимни шу соҳанинг ривожига сарфлайман.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ артисти Эркин Комилов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Комила Каромова, Зиёвиддин Мансуров, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари Меҳрож Дархонов ва бошқалар сўзга чиқиб, Ватан ҳимоячиларини байрам билан қутлади, Ватан ҳимояси олий шарафлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Учрашув тугаб, ҳовлига чиққач, оддий аскар Қодиржон Отахонов билан суҳбатлашиб қолдик.

— Армия сафида хизмат қилиб шунга амин бўлдимки, ҳарбий касбсиз ҳаётимни тасаввур қила олмас эканман, — дейди у. — Шунинг учун шартнома асосида ҳарбий хизматни давом эттиришга қарор қилдим. Буни оила аъзоларим, яқинларим ҳам катта мамнуният билан қўллаб-қувватлади. Энди мен бутун куч, билим ва салоҳиятимни Ватаним тинчлиги, халқимиз осойишталиги йўлида сарфлайман. Ватанга содиқ фарзанд бўлишдан, ота-онам, яқинларим тинчлигини ҳимоя қилишдан ортиқ бахт йўқ мен учун.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Она қалби оёққа турса...

Дунё тинч бўлади. Инсоният озод ва фаровон яшайди

Шоира Зулфиянинг 1954 йилда ёзилган «Ўғлим, сира бўлмайди уруш» номли шеъри бугун ҳам ўз мазмун-моҳиятини йўқотгани йўқ.

...Кўзи ёриган аёл гўдагини киндигини кесади. Демак, ёруғ дунёда илк шифокор бу — она. Боласига дунёни танитган она бу — ер юзидаги илк муаллим. Ўғлини дунёга келтириб, унга оқ сут бериб, тунлари бешигини бедор қучоқлаб, алла айтиб, унинг қалбида Ватанга муҳаббат уйғотган, ўғлонини ёвқур, жасур, мард қилиб вояга етказган, юртни душманлардан асраш, уни ҳимоя қилиш эр кишининг бурчи эканлигини унинг бутун вужудига сингдирган она бу — Ватан ҳимоячисидир.

Ватанпарвар, буюк фарзандлар улуғ оналардан туғилади. Ватан ҳимоячилари куни байрами ҳам энг аввало, уларни улғайтирган, тарбиялаган, юрт ҳимоясига йўллаган онажонларимиз байрамидир.

Президентимиз ғояси ва ташаббуси билан Тошкент шаҳрида барпо этилган «Ватанга қасамёд» монументида жасур аскар давлатимиз байроғи олдида бош эгиб, Ватанини, халқини ҳимоя қилишга қасамёд қилмоқда. Унга муқаддас Ватани, меҳрибон ва мўътабар онаси оқ йўл тиламоқда...

Муҳтарам НАРЗУЛЛАЕВА,
Каттақўрғон туманидаги
68-мактаб ўқитувчиси:

— Умр йўлдошим, олий тоифали шифокор Нажмиддин Нарзуллаев билан беш нафар фарзандни вояга етказаяпмиз. Улар ҳаётда ўз ўринларини топиб бормоқда. Кенжа ўғлим Фаррух Нарзуллаев 1992 йилда туғилган. Мустақиллик фарзанди. У болалигидан ҳарбий хизматга боришни орзу қиларди. Ниятига етиб, 2013 йилда ҳарбий хизматга чақирилди. Бугунги кунда Чирчиқ шаҳрида ўз йигитлик бурчини ўтамоқда. Ўтган йили 24 мартда ўғлим қасамёд қилди. Ушбу тадбирга биз, ота-оналар ҳам таклиф этилдик. Биласизми, бир ой ичида ўғлимда катта ўзгаришлар юз берганини сездим. Болам бирдан улғайиб қолганга ўхшади. Эгнидаги ҳарбий кийим ўзига жуда ярашиб турарди. У Халқимга, Президентимга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қиламан деди. Ўша пайтда кўзларимга қувонч ёшлари келди. Шундай ўғилни дунёга келтирганим, тарбиялаганим, Ватан хизматига юборганимдан фахрландим. ўғилларимнинг учаласи ҳам биздан миннатдор. Уларнинг иши яхши бўлса, ҳарбий унвони ошса ёки раҳбарларидан мақтов эшитса, бошимиз кўкка етади. Бу дунёда ҳар бир ота-она фарзандлари туфайли раҳмат эшитсин. Уларнинг ҳузур-ҳаловатини кўрсин. Мен ўғилларимни Ватан ҳимоячилари куни байрами билан табриклайман. Уларга айтадиган бир сўзим бор: Ватанимиз тинчлигини кўз қорачиғингиздек асранг. Ўшандагина сизларга берган оқ сутимга рози бўламан.

Насиба АБДУЛЛАЕВА,
Ҳазорасп туманидаги
24-мактаб ўқитувчиси:

— Ўғлим Шоҳрух Саъдуллаев 1993 йилда туғилган. У болалигидан ҳарбий бўламан, шу соҳада ўқийман деб ҳаракат қиларди. Армиядан келган қариндошларнинг олдига югуриб борарди. Мендан ҳарбий бўлиш учун нима қилиш кераклигини сўрарди. Ўшанда унга ҳарбий бўлиш учун энг аввало Ватанни севиш, яхши ўқиш, соғлом бўлиш, спорт билан шуғулланиш, мард, қўрқмас бўлиш керак, дея уқтирардим. Шоҳрух мактабда аъло баҳолар билан ўқиди. Таэквондо тўгарагига қатнади. Туман, вилоят мусобақаларида ғолиб бўлди. Синфдош қизлар ҳам унга ҳавас билан қарашарди. Отаси Файзулло Саъдуллаев врач, мен эса муаллим бўлганлигим учун ўғлимизни ё шифокор ёки ўқитувчи бўлишини истаганмиз. Лекин уни ўз танлаган йўлидан қайтармадик. Орзусига етиши учун шароит яратиб бердик. Шоҳрух 2012 йилда Самарқанд автомобилчи командир-муҳандислар олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирди. Бугунги кунда II курсда таҳсил оляпти.

Таълим соҳасида ишлаганим учун болалар психологиясини яхши биламан. Биз, ота-оналар фарзандларимиз интилишларини қўллаб-қувватлашимиз, керак бўлса, ҳурмат қилишимиз лозим.

Шоҳрух ҳамиша дўстларига содиқ бўлган. Отасини, мени, укаларини жуда яхши кўради. Бу хислатлар ҳарбий касб эгаси учун ниҳоятда зарур. Аслида Ватанни севиш ҳам оилани севишдан бошланади. Ўғлим ўз устида ишлайди, бадиий китоблар ўқийди. Атрофдагиларга жуда меҳрибон. Мен шундай фарзандим борлигидан ғурурланаман. Биз, оналар юртимиз тинч бўлишини ҳаммадан кўпроқ истаймиз. Чунки тинчлик бўлса, бехавотир яшаймиз, фарзандларимиз эса ўз орзуларига етишади...

Ватанини севадиган, билимли, доно, кучли болалар соғлом муҳитда, аҳил оилаларда камолга етади. Инсондаги барча эзгу фазилатлар унга аввало ота-онасидан ўтади. Ҳаёт сабоқлари билан янада сайқалланади.

Мутахассисларнинг кузатишича, болага отадан ҳам кўра онанинг таъсири кучлироқ экан. Миллат оналари ватанпарвар, мард, жасур, довюрак фарзандларни дунёга келтиради. Тарбиялайди. Мана шу болалар Ватанимиз, халқимиз тинчлиги, осойишталиги йўлида, керак бўлса, жонини ҳам беради.

Фарзандлари ғурурли, ориятли, кучли бўлган халқ эса ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Сўзимизни садоқат ва вафо тимсоли бўлган шоира Зулфиянинг шеъри билан бошлаган эдик. Бундан олтмиш йил олдин ёзилган мана бу сатрлар эса ўша шеърнинг хотимасидир:

Кўкрак сути ва меҳнат билан
Биз жаҳонга берганмиз турмуш,
Она қалби оёққа турса,
Ўғлим, сира бўлмайди уруш!

Фаррух ҲАМРОЕВ

Марс парвозига

1058 киши илк тест синовларидан ўтди

Маълумки, «Mars One» лойиҳасига кўра, 2025 йилда Марс сайёрасига илк бор инсон парвози амалга оширилиши режалаштирилган. Шу боис 2013 йилда Қизил сайёрага парвоз қилишни истовчиларни рўйхатга олиш «Mars One» лойиҳаси ташкилотчилари томонидан интернет орқали амалга оширилди. Дунёнинг 107 та давлатидан кўнгиллилар ўз маълумотларини тақдим қилдилар. Уларнинг умумий сони 200 мингдан ортиб кетди.

2013 йилнинг 30 декабрида илк тест синовларидан ўтган 1058 кишининг рўйхати эълон қилинди.

«Вести. Наука» сайти томонидан ўтказилган номзодлар рўйхати таҳлили шуни кўрсатдики, синовдан ўтганларнинг 586 нафари эркаклар, 472 нафари эса аёллардир. Уларнинг энг кичиги 18 ёш бўлгани ҳолда энг ёши улуғи 81 ёшдадир. Агар у кейинги синовлардан ҳам муваффақиятли ўтса, парвоз пайтида 90 ёшдан ошган бўлади. Асосан 26 ёшдан 35 ёшгача бўлганлар кўпчиликни ташкил этади.

Номзодларнинг 350 нафари бакалавр, 159 нафари магистр ҳамда 40 нафари фан докторидир.

Номзодлар бўйича биринчи ўнталикка Америка, Канада, Ҳиндистон, Россия, Австралия, Хитой, Буюк Британия, Испания, Жанубий Африка ва Бразилия фуқаролари кирган.

Синовлар уларни парвозга тайёрлаш жараёнида яна давом этади. Финалда 6 та гуруҳ қолади — ҳар бир гуруҳда 4 кишидан. Охирги танлов эса овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Энг қизиғи шуки, Қизил сайёрага парвоз қилганлар Ерга қайтиб тушмайди. Сайёрага биринчилардан бўлиб қадам қўйиш иштиёқи уларни шу ишга ундаганини уларнинг ўзлари ҳам ўз маълумотларида баён этган. Марсга парвоз жараёни бир неча ойларга чўзилади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

Реклама

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2014 йил 20, 27 февраль ва 6, 13, 20 март кунлари бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:

№	Номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг		Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1	«NUKUS AGRO» МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай овули	Жамият уставида помидор етиштириш ҳамда томат пюре, томат паста, томат сок ва бошқа томат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, полиз экинлари ва уруғлик маҳсулотларини етиштириш, аҳолидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ маҳсулотларни йиғиш, улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа фаолиятларни амалга ошириш белгиланган	1 802 153 700,0	860 997,42
2	«NAMANGAN QOG'OZI» МЧЖ	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй.	Жамият уставида канцелария ва қадоқлаш жиҳоз маҳсулотларини, офсет ва ёзув қоғозлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қоғоздан ҳар хил маҳсулотларни ишлаб чиқариш, Ўзбекистон Республикаси ҳамда чет эл мамлакатларида фирма дўконларини ташкил қилиш ва бошқа фаолиятни амалга ошириш белгиланган	3 859 212 000,0	2 008 186,33
3	«KINDER FRUITS» МЧЖ	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй.	Жамият уставида болалар таомларини ишлаб чиқариш белгиланган	16 040 028 800,0	8 274 027,03
4	«XORAZM GILAMLARI» МЧЖ	Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Обводная кўчаси, 7-уй.	Жамият уставида гиламлар ва гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш белгиланган	46 025 488 000,0	23 741 611,47
5	«TOSHKENT QOG'OZI» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй.	Жамият уставида қоғоз, картон, халқ истеъмол молларини, бошқа турдаги маҳсулотларни, жамият фаолияти билан боғлиқ маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ташқи иқтисодий фаолият, чакана савдо тармоғини кенгайтириш, тижорат ва воситачилик хизматлари, кредит-заём фаолиятини, аҳолига ва юридик шахсларга нақлиёт хизматларини кўрсатиш, нақлиёт воситаларини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, бошқа фаолиятни амалга ошириш белгиланган	23 153 474 000,0	12 284 639,34
6	«CITY PALACE» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 15-уй.	Жамият уставида халқаро меҳмонхоналар андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар қуриш, қайта қуриш ва улардан фойдаланиш, меҳмонхона ишлари бўйича хизматлар мажмуини кўрсатиш, маблағларни меҳмонхоналар, савдо ва сайёҳлик, қурилиш индустрияси каби турли лойиҳа ва дастурларга йўналтириш, савдо-воситачилик операцияларини амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш, шунингдек, белгиланган тартибда қонун билан тақиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш белгиланган	136 174 121 000,0	66 765 111,30
7	«ANDIJON CHARM» МЧЖ	Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Оқтепа қишлоғи.	Жамият уставида терини қайта ишлаб чарм ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида рақобатбардош чарм куртка ва пальтолар ишлаб чиқариш белгиланган	6 017 004 740,0	2 950 090,58
8	«AZIA AYS» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор, 26-даҳа, Ширин кўчаси, 7-уй.	Музқаймоқ ва сут, қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, консерва маҳсулотларини ҳамда яхна спиртсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш белгиланган	1 370 257 000,0	650 048,63
9	«SURXON SUN MILK» МЧЖ	Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Ўзбекистон кўчаси, 4-уй.	Жамият уставида сут ва сут маҳсулотлари, қандолатчилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қадоқлаш, ўраш, қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш, аҳолидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ маҳсулотларни йиғиш, улгуржи ва чакана савдо фаолияти билан шуғулланиш, шунингдек, бошқа фаолиятни амалга ошириш белгиланган	351 854 200,0	176 073,33

Очиқ аукцион шартлари:

Очиқ аукцион ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоизи миқдоридаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг, бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасига асосан бир йил муддатда сотувчининг ҳисоб-рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб бериш шарти билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), очиқ аукцион савдоларининг ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа юзага келадиган барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, раҳбарнинг тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқдан ва унинг паспортидан нусха, шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тўлиқ тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, ваколатли вакилнинг шахсини тўлиқ тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан савдога қўйилаётган «SURXON SUN MILK» МЧЖ улуш бошланғич нархининг 15 фоизи миқдорида, «NUKUS AGRO» МЧЖ, «NAMANGAN QOG'OZI» МЧЖ, «ANDIJON CHARM» МЧЖ, «AZIA AYS» МЧЖ улушлари бошланғич нархларининг 10 фоизи миқдорида, «KINDER FRUITS» МЧЖ улуш бошланғич нархининг 3 фоизи миқдорида, «XORAZM GILAMLARI» МЧЖ, «TOSHKENT QOG'OZI» МЧЖ ва «CITY PALACE» МЧЖ улушлари бошланғич нархларининг 2 фоизи миқдоридаги закалат пуллари «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб-рақамига тўланиши шарт.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига боришлари мумкин.

Очиқ аукцион савдолари белгиланган савдо кунлари соат 15-00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали) манзилида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй; телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

ҚАРОР ВА ИЖРО

Мен оиламга керакман, яқинларимга керакман, жамиятга, давлатимизга керакман.

Амнистия акти: инсонпарварлик, ишонч, имконият

Президентимиз Ислом Каримов тақдимномасига мувофиқ Олий Мажлис Сенати томонидан 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарор давлатимизнинг инсонпарварлик ғояларига содиқлигининг яна бир намойиши бўлди.

Ҳаёт мураккаб. Унинг пиллапояларида инсон билиб-билмай қоқилиши, адашиши мумкин. Жиноят учун эса жазо муқаррар. Ундан кўзланган мақсад тарбиядир. Хатосини тушуниб етган, тўғри йўлга киришни астойдил истаган кишини кечирмоқ, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбияламоқ ва оиласи бағрига қайтармоқ адолатли ва эзгу иш ҳисобланади. Навбатдаги амнистия акти ҳам бир неча минг маҳбуснинг муддатидан олдин озодликка чиқиши, шунингдек, кўпчилигининг жазоси енгиллаштирилишига имконият яратди.

Бир-бирининг қувончига шерик бўлиш, мусибатидан қайғуриш, адашиб, хато қадам қўйганларни тўғри йўлга солиш, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши учун кўмаклашиш, кечиримлилик эзгу фазилатдир. Қарор ва унинг ижроси тимсолида инсон, унинг ҳаёти ва эркинлиги, шаъни ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари юртимизда олий қадрият эканлиги яна бир бор амалда исботини топаётир.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси тасарруфидаги 1-сон тергов ҳибсхонасида сенаторлар, депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган тадбир мазкур қарор ижросига бағишланди. Шу куни бир гуруҳ маҳкумлар амнистия актига кўра, озодликка чиқарилди.

— Ҳозир мен ҳаяжонланганимдан, ич-ичимдан хурсандлигимдан нима дейишни ҳам билмай турибман, — дейди кўз-ёшини арта туриб янгийўллик Нуржамол Абдикаримова. — Президентимизнинг тақдимномасига кўра, амнистия эълон қилинганини газетада ўқиб, радиодан эшитиб, У кишининг биз кабиларга қанчалик даражада бағрикенглик, кечиримлилик қилганини сўз билан ифода эта олмайман. Аслида суд ҳукмига кўра, 3 йилга озодликдан маҳрум этилган эдим. Амнистия туфайли 3 ойда озодликка чиқдим. Ёшим 27 да. Мен тенги ва мендан анча кичкина қизларнинг бугунги кунда эришаётган, қўлга киритаётган ютуқларини радио орқали эшитиб ёки газеталарда ўқиб, уларнинг чиройли суратларини кўриб, ич-ичимдан эзилиб йиғлардим. Чунки, йўлдан адашдим. Мен ҳам шулар қатори ҳалол меҳнат қилиб, бирон ютуққа эришишим мумкин эди-ку, деган хаёл ҳеч тинчлик бермасди. Мен бу инсонпарварликдан тўғри хулоса чиқариб, ўзим орзу қилган касб эгаси бўламан...

Жамолни ҳамкасблари яхши мутахассис, ўз ишининг устаси сифатида ҳурмат қилар, шунинг учун маоши ҳам бошқаларга қараганда кўпроқ эди. У оилигини оиласига сарфлаш ўрнига танишлари билан кафе ёки ресторанда кунора кайфу сафо қилишга ишлатди. Саёқ юриш ҳеч қачон ҳеч кимга обрў келтирмаган... Суд ҳукми билан у 4 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

— Қилган ишимдан минг пушаймонман, — дейди Жамол Аминов. — Ичкилик таъсирида жиноятга қўл урдим... Мен тенгилар ота-онасининг ҳурматини жойига қўйиб, оиласи бағрида бахтли ҳаёт кечирмоқда. Ҳибсга олинганимда 4 ёшга тўлган қизим ва 6 ойлик ўғлим бор эди. Бу ерда ўтирганимга ҳам бир йилу бир ой бўлди. Аёлим ҳеч жойда ишламасди, улар қандай кун кечирди экан... (У кўз ёшини бекитиш учун ерга қаради). Бугун озодликка чиқдим, Президентимизнинг кўрсатган ғамхўрлигидан жуда миннатдорман. Қонунсиз ишга иккинчи бор қўл урмайман.

Чирчиқ шаҳрида яшовчи Жасур Иноқов ўзганинг мулкини ўғирлагани учун суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинган эди.

— Ота-онам йўқ, тоғамнинг қўлида катта бўлганман, — дейди у. — Ёшлик қилдимми, билмадим, хато йўлга кирдим. Афсус ва пушаймонимнинг чеки йўқ. Энди ҳалол меҳнат қилиб кун кечирмоқчиман. Ҳали ёшман. Орзуларим кўп. Бу қоқилиш менга сабоқ бўлди.

Жиззах шаҳрида яшовчи Шуҳрат Муқимов шериклари билан ўғирлик жиноятини содир қилгани учун судланганди. Энди ўз уйига қайтмоқда. Уни қариндошлари, дўстлари кутиб турибди.

Сирдарёлик 29 ёшли Тўлқин Тошбоев ҳам ўғирлик қилган. Унда ҳам оиласи бағрига қайтиш имкони пайдо бўлди.

— Уч нафар фарзандим бор, — дейди у. — Афсусдаман. Адашдим. Болаларимга энг керакли пайтимда, уларнинг таълим-тарбиясига қарашим керак бўлган вақтда эгри йўлга кирдим. Уларнинг кўзига қараш оғир... Давлатимиз бизни кечирди. Мен бу кечирим ва инсонпарварликнинг ортида болаларимнинг келажагини ўйлаш, оиламнинг бутунлигини сақлаш ва менга тўғри йўлга қайтиш учун имкон бериш каби олижаноб мақсадлар ётганлигини яхши англадим. Бу имконият ва ишончдан фақат тўғриликда фойдаланаман. Мен оиламга керакман, яқинларимга керакман, жамиятга, давлатимизга керакман. Буни бугун жуда чуқур ҳис қилиб турибман...

Олижаноблик, адолатпарварликни ўзида мужассам этган амнистия тўғрисидаги қарор туфайли кўплаб хонадонларга бағрибутунлик кириб бормоқда. Амнистия тўғри йўлга қайтиш имконияти. У бошқа адашмаслик, ҳаётни тўғри йўлга қўйиб, жамият учун фойдали ишлар қилишга яратилган шароит ва ишончдир.

Шу куннинг ўзида қарор ижроси доирасидаги бундай тадбирлар Тошкент вилоятидаги жазони ижро этиш муассасаларида ҳам бўлиб ўтди.

> **Хатосини тушуниб етган, тўғри йўлга киришни астойдил истаган кишини кечирмоқ, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбияламоқ ва оиласи бағрига қайтармоқ адолатли ва эзгу иш ҳисобланади. Навбатдаги амнистия акти ҳам бир неча минг маҳбуснинг муддатидан олдин озодликка чиқиши, шунингдек, кўпчилигининг жазоси енгиллаштирилишига имконият яратди.**

Равшан ШОДИЕВ,
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Футбол

Муҳим ва иродали ғалаба

●●● Шу кунларда Уммонда футбол бўйича ёшлар (U-22) ўртасида илк маротаба ўтказилаётган Осиё чемпионати қизғин давом этмоқда.

Шуҳрат Мақсудов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мусобақанинг «Д» гуруҳида тўп сурмоқда. Қуръага кўра, ҳамюртларимиз дастлабки учрашувни хитойлик тенгқурларига қарши ўтказди. Гарчи вакилларимиз ўйиннинг 34-дақиқасида ўз дарвозасидан тўп олиб чиққан бўлса-да, сўнгги дақиқаларгача ҳужумкор футбол намойиш этдилар. Натижада учрашувнинг қўшимча вақтида Егорь Кримец ва Игорь Сергеевлар томонидан киритилган голлар ёшларимизга муҳим ғалабани тақдим қилди — 2:1.

— Ҳар қандай мураббий ҳар бир учрашувда ғалаба қозонишни хоҳлайди, — деди учрашувдан сўнг Шуҳрат Мақсудов. — Бугунгидек ғалабани эса фақат орзу қилиш мумкин. Ушбу ўйин бош мураббийлик фаолиятимдаги илк расмий учрашув бўлди. Бугун шогирдларим ўз кучларини, характерларини, иродаларини кўрсата олди. Бунинг учун уларга раҳмат айтаман. Мусобақадаги биринчи ўйин ҳаяжони ўзгача бўлади. Ўйлашимча, бугун шу нарса футболчиларимизда билинди. Ўйиндаги хатолар ҳам ҳаяжон таъсири, деб ўйлайман. Хатолар устида ишлаймиз, ҳар бир ўйинда фақат ижобий натижа учун майдонга тушамиз.

Гуруҳнинг иккинчи баҳсида Саудия Арабистони футболчилари ироқликларга 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди.

Мусобақанинг қолган гуруҳларида дастлабки турда қуйидаги натижалар қайд қилинди: **«А» гуруҳи.** Уммон — Мьянмар — 4:0, Жанубий Корея — Иордания — 1:1. **«В» гуруҳи.** КХДР — Яман — 3:1, Бирлашган Араб Амирликлари — Сурия — 1:1. **«С» гуруҳи.** Австралия — Қувайт — 1:0, Япония — Эрон — 3:3.

Ёшларимиз гуруҳдаги навбатдаги учрашувни бугун Ироқ терма жамоасига қарши ўтказса, хитойликлар Саудия Арабистони футболчилари билан куч синашади.

Эркин ХОЛБОБО

ОБ-ҲАВО *15-16 – 01. 2014*

Юртимиз бўйлаб (°С)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
-2 / -7	0 / +5
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
-2 / -7	0 / +5
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
0 / +5	+5 / +10
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
-2 / +3	+7 / +12
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
-2 / -7	+2 / +7
Тошкент шаҳри	
0 / -2	+8 / +10

Дунё бўйлаб (°С)

Лондон	+8 / +11
Париж	+11 / +12
Москва	0 / -5
Мадрид	+13 / +10
Кейптаун	+26 / +26
Қоҳира	+20 / +21
Гавана	+29 / +30
Вашингтон	+16 / +10

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши Мирзачўл туман партия кенгаши раиси Ҳаким Намозовга онаси **Ҳайитгул НАМОЗОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Реклама

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2014 йил 20, 27 февраль ва 6, 13, 20 март кунлари танлов ўтказиладиган очиқ савдоларига таклиф этади!

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:

№	Номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг		Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1	«FRESCO» МЧЖ	Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, Тошовил ҚФЙ, Орзу посёлкаси.	Жамият уставида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан шарбатлар, консервантлар ва бошқа турдаги шарбат маҳсулотларини тайёрлаш ва уларни сотиш, шунингдек, қонун билан тақиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш белгиланган	3 796 800 000,0	1 861 541,48
2	«REGISTON PLAZA» МЧЖ	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Шоҳрух кўчаси, 53-уй.	Жамият уставида халқаро меҳмонхоналар андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар қуриш, қайта қуриш ва улардан фойдаланиш; меҳмонхона ишлари бўйича хизматлар мажмуини кўрсатиш; маблағларни меҳмонхоналар, савдо ва сайёҳлик, қурилиш индустрияси каби турли лойиҳа ва дастурларга йўналтириш; вакиллик, агентлик, реклама, маркетинг (шу жумладан, қимматли қоғозлар бозорида), маслаҳат хизматларини ташкил қилиш; қонун билан тақиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш белгиланган	32 048 589 000,0	17 384 642,80
3	«XORAZM PALACE» МЧЖ	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал Беруний кўчаси, 2-уй		22 984 062 000,0	12 467 622,46
4	«ASIA PIPEPLAST» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 327-«Б» уй.	Жамият уставида металл бўлмаган центрафуга труба GFKларни ишлаб чиқариш, уларни Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташқари ҳудудларда сотиш орқали даромад кўриш ва бошқа фаолиятни амалга ошириш белгиланган	49 136 500 000,0	26 653 919,18
5	«BIO MIKREL» МЧЖ	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниёзбоши шаҳарчаси	Жамият уставида консерваланган ем ва оқсилли концентратларни ишлаб чиқариш, пахта шротидан оқсил олиш, ветеринария, истиқболли примекслар (ем-озуқа қўшимчалари)ни ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, бошқа фаолиятни амалга ошириш белгиланган	2 179 274 300,0	1 156 267,04

Очиқ танлов шартлари:

Очиқ танлов ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб-рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), очиқ танлов савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа юзага келадиган барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлиқ тўлаш шарти билан сотилади.

Очиқ танлов савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

— юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилининг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Очиқ танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан, савдога қўйилаётган «REGISTON PLAZA» МЧЖ, «XORAZM PALACE» МЧЖ ва «ASIA PIPEPLAST» МЧЖ улушлари бошланғич нархларининг 2 фоизи миқдоридаги ҳамда «FRESCO» МЧЖ, «BIO MIKREL» МЧЖ улушлари бошланғич нархларининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пуллари «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб-рақамига тўланиши лозим.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига боришлари мумкин.

Очиқ танлов савдоларига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш, белгиланган савдо кунлари соат 11-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй; телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2013 йил 5 декабрь куни ўтказилган аукцион савдоси натижасига кўра, «MAXAM CHIRCHIQ» ОАЖ балансидаги д/р 10/144SAA бўлган «ГАЗ-3102» русумли автотранспорт воситаси 7 600 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

MUASSIS: O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Saidahmad RAHIMOV, Hotamjon KETMONOV, Farruh HAMROYEV, Ulug‘bek VAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Rustam KAMILOV, Tat’yana KISTANOVA, Sharbat ABDULLAYEVA, Ochilboy RAMATOV (Bosh muharrir o‘rinbosari)

BO‘LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma’naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ‘ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e’lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 160
21183 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5